


## Сингилларни йўқлаб туринг, ҳой ака-укалар!



23:17 / 22.11.2022 4949

Бир аёл ҳикоя қилади: «Уйларни тозалаб, тартибга келтирганимдан сўнг акам телефон қилиб, аёлим билан сени зиёрат қилгани боряпмиз дедилар. Уларга бирор нарса тайёрлай деб ошхонага кирдим. Меҳмондорчиликка қўйишга ҳеч нарса топа олмадим. Уйимнинг ҳамма жойидан егулик қидира бошладим. Ва ниҳоят, бир нечта апельсин топдим-да, дарҳол сиқиб икки пиёла шарбат тайёрладим. Акам ва аёли эшиқдан кутиб олгани чиқсам, не кўз билан карайки, акамнинг қайнонаси ҳам бирга келган экан. У аёл бизнинг уйимизга биринча марта ташриф буюраётган эди. Апельсин шарбатини келинойим ва унинг онасининг олдига қўйдим. Акамга эса оддий сув қўйдим-да: «Ака билишимча, сиз «7 ур» (лимон таъмли салқин ичимлик)ни ёқтирар эдингиз-а?», дедим. Акам ундан бир хўплам ичиб кўрдид-да, унинг оддий сув эканини билди. Шу пайт акамнинг қайнонаси: «Мен ҳам «7 ур» ичгим келяпти, ошқозонимга ўша сув енгилроқ. Менга ҳам ўшандан бера қолинг», деб қолди. Ушбу ҳолатдан ноқулай вазиятга тушиб, хижолат чека бошладим.

Шунда акам қийин вазиятдан мени қутқаришга уриниб: «Онажон, сизга ўз қўлларим билан ошхонадан янги пиёлада шарбат олиб келаман», деб қайнонасининг қўлидаги апельсин шарбатли пиёлани олдилар-да, ошхонага кириб кетдилар. Мен меҳмонларнинг ёнида қолдим. Бироз вақт ўтгандан сўнг ошхонада пиёла синганининг овози эшитилди. Акам ошхонадан чиқиб қайнонасига: «Афсуски, пиёла қўлимдан тушиб кетиб синди, лекин зарари йўқ, мен ҳозир дўконга бориб, сизга бошқа «7 ур»

олиб келаман», деди.

Шунда қуда хола: «Йўқ, шарт эмас ўғлим, насиб қилмаган экан-да», деб акамни дўконга чиқармадилар. Меҳмондорчилик якунига етиб, ташриф буюрган азизларим кетаётганда, акам ҳам мен билан қучоқлашиб хайрлашди. Шу аснода қўлимга бир миқдор маблағ тутқазиб: «Ошхонани тозалаб қўйишни унутма, шарбат ерда тўкилиб ётибди, яна чумолилар босиб кетмасин», деб тайинладилар. Чиқиб кетаётганларида менинг юзимга меҳр ила табассум билан нигоҳ ташладилар-да, «Ўзингни эҳтиёт қил» деб кетдилар. Мана шундай қилиб акам менинг айбларимни ёпдилар, қийин вазиятдан чиқишимга сабабчи бўлдилар ва ҳис туйғуларимга риоя қилдилар».

Ҳа, акалик, қондошлик мана шундай бўлади.

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай марҳамат қилади:

رَكَ نُّمُّ لَ اَوْ اَشْحَ فُلِّ لَ اَنْ عَ وَاَ هَ نَ يَ وَاَبْرُقُ لَ اِي ذِ اءِ اِي اِ وَاَسْ حَ اِلْ اَوِ لْ دَعْ لَ اِبْ رُمُ اَيَّ هَ لَ لَ اِنْ  
نَ وُرَّ كَدَتْ مُمْ كَلَّ عَ لْ مُمْ كُ طَ عَ يَّ يَ غَ بْ لَ اَوِ

«Албатта, Аллоҳ адолатга, яхшилик қилишга, қариндошга (ҳақини) беришга амр этур ва фаҳшдан, мункардан ҳамда тажовузкорликдан қайтарур. У сизларга ваъз қилур. Шоядки, эслатма олсангиз» (Наҳл сураси, 90-оят)

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам башорат бериб, бундай деганлар: «Кимни ризқу рўзи кенг бўлиши ва умри узоқ бўлиши хурсанд этса, бас у силаи раҳм қилсин, яъни қариндошлик ришталарини мустаҳкамласин».

Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.

Агар опа-сингилларимиздан, умуман, қариндошларимиздан хабар олмасак, борди-келди қилмасак, бу фазилатни унутиб юборсак, унда нима бўлади?

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар: «Силаи раҳм қилмаган, яъни қариндошларидан алоқани узган одам жаннатга кирмайди. Силаи раҳм доимий борди-келди эмас, балки узоқлашиб кетган қариндош ҳолидан хабар олишдир».

Аллоҳ таоло барчамизни силаи раҳм қилувчи, жумладан, опа-сингилларимиздан хабар олувчи бандалардан қилсин.

**Нозимжон Ҳошимжон таржимаси  
Хуршид Маъруф таҳрири остида**